

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ШОСОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 14 (3386)

2001 йил 5 апрель, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бошқармага Жанговар байроқ топширилди

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг Жанговар байроғи — Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш, жасорат ва эътиқод рамзи бўлиб, ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимига тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва инсон манфаатларини жинойий таъжовузлардан ҳимоя қилиш каби шарафли вазифаларни муқаддас бурч эканлигини, бунинг учун зарур бўлса ҳаётини ҳам аямаслигини эслатиб туриши керак.

Ислом КАРИМОВ.



Жанговар байроқ. У нақадар муқаддас ва мўътабар эканлигини сўз билан таърифлаш қийин. Унинг қанчалик муқаддас эканлигини 1418 кун давом этган иккинчи жаҳон уруши жангдошларида жон олиб, жон берган ота-боболаримиз жуда яхши билдилар. Ҳарбий қисмнинг рамзи саналган Жанговар байроқни сўнгги нафасигача сақлаш ҳар бир жангчининг шарафли бурчи эди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан таъсис этилиб, Ватанимиз

Мустақиллиги, халқимиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаб келаётган ички ишлар идораларига Жанговар байроқ топширилиши осойишталик посбонларига қатга эътибор берилаётганидан далолатдир. Бу, албатта ички ишлар ходимлари масъулиятини янада ошириш, уларда ватанпарварлик ҳиссиёти ортишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

“ОГОН” — бизнинг газета!

Тошкент шаҳар ИИББ наشري “ОГОН” газетасининг дастлабки сони газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Республика Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-полковниги нашрга оқ

йўл тилаб ёзганларидек: “Огоҳ бўлсак, оналар бевақт кўз ёш тўкмайди, огоҳ бўлсак, фарзандларимиз жиноят кўчасига қирмайди, огоҳ бўлсак, ҳеч ким ҳеч қачон мамлакатимизга, мустақиллигимизга, озодлигимизга раҳна сола олмайди”.



Газета диний экстремизм, халқаро терроризм ва наркотики бизнес қабиларининг жиноий кирдикорларидан, уларга, умуман, жиноятчиликка қарши кураш борасида пойтахтимиз ички ишлар ходимлари фаолиятдан аҳолини ўз вақтида хабардор этишни ният қилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти жамоаси “Огон”нинг ўз номига муносиб бўлиб қолишига ишонч билдиради. Газетанинг ижодий жамоасига бу хайрли ниятлари йўлида омад ҳамisha ёр бўлсин!

Бош муҳаррир минбари МУСТАҚИЛ ВАТАН РАМЗЛАРИ МУҚАДДАС

Кечаги байрам тантаналари чоғида қизим билан бирга шаҳар иштироҳат боғларидан бирдаги халқ сайлида бўлдим. Уша жойда тадбир бошланиши пайтида Ўзбекистон Республикасининг Мадҳияси янгради. Боғ бўйлаб тантанавор куй оҳанглари таралиши билан ҳозир бўлган одамларнинг ҳаммалари қад ростлаб, саҳна ёнида ҳилпираб турган мамлакатимиз Давлат байроғига нигоҳ тикдилар.

Бирок дам олувчилар орасида боғда ҳукм сураётган кўтаринки муҳитга нисбатан ўзларини номуносиброқ тутаётган кишилар ҳам йўқ эмасди. Улар вазиятнинг тантанаворлигига асло эътибор бермай, баланд овоз билан ўзаро суҳбатни давом эттиришарди.

— Дадажон, нима учун улар ўтиришипти? — сўраб қолди қизим ўша одамлардан кўзларини узмай.

Ватан Мадҳияси янграса, баркамол инсон ўзини қандай тутиши кераклигини ҳали ҳозиргина қизимга тушунтириб ўтиргандим-да.

Кўряписизки, болагина савол бераяпти. Ҳолбуки, мамлакатнинг асосий куйи янговчи тантаналарда бўлган ҳар биримиз шу саволни беришимиз мумкин. Ахир, орамизда давлатнинг асосий рамзларига эҳтиром билан муносабатда бўлмайдиган, уларнинг аҳамияти ва моҳияти тўғрисида ҳеч нима билмайдиган ёки чала-чулпа маълумотлар билан қаноатланиб юрган кишилар камми?

Ҳолбуки, давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ифтихори, тарихий хотираси ва орзумидларини ўзида акс эттиришини ҳар бир ватандошимиз яхши билиб олиши керак. Бу рамзларга эҳтиром кўрсатиш — ўз кадр-қимматингни хурматлаш, ўз мамлакатига ва ўзига ишониш демакдир.

Бу йил биз мустақил Ўзбекистоннинг ўн йиллигини нишонлаймиз. 1991 йилнинг 18 ноябидан буён мамлакатимиз давлат байроғи остида мустақил тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу байроқнинг рамзлари мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган қудратли давлатлар байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттиради. Шу билан бирга бизнинг давлат байроғимиз республиканинг табиий хусусиятларини, миллий ва маданий ўзига хослигини ифодалайди.

Кўм-кўк осмон ва тил-тиник сув рамзи бўлган ранглар уйғунлигига бир эътибор беринг. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур бир пайтлари айни ана шу ранглар уйғунлигини ўз байроғи учун танлаб олган эди. Оқ ранг тинчлик ва покизалик рамзи. У давлатимиз йўли ҳамisha тоза ва ёруғ бўлишини англатади. Байроқдаги қизил чизиқлар эса ҳар бир тирик мавжудотда жўш уриб турган ҳаётнинг куч, ҳаёт рамзи. Кўк ранг эса ажойиб ва бой табиат, гуллаб-яшнаган ҳаёт ва ҳосилдорлик тимсолидир. Ярим ой Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналарига мос. Ярим ой ва юлдузлар — тиник осмон, тинчлик рамзи. Ўн икки рақами рўйи азалдан мукамаллик белгиси ҳисобланадигани, шу боис байроғимизда ўн икки юлдуз тасвири бор.

Кундалик ҳаётимизда биз Ўзбекистон Республикасининг Давлат Гербига ҳам бот-бот кўзимиз тушади. Унда тоғу дарёлар ва гуллаб-яшнаган водий устида нур сочиб турган куёшни кўрасиз. Буларнинг барчаси ўнг томондан буғдой бошоқлари ва чапда — чаноклари очилиб турган гўза шохидан иборат чамбар билан қамраб олинган. Гербнинг юқори қисмида республика қарор топганлигининг рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз, унинг ичида ярим ой ва юлдуз бор. Гербнинг марказида бахт-саодат ва эрксеварлик рамзи — қанот ёйиб турган Ҳумо куши тасвирланган. Пастда республика Давлат Байроғини ифодаловчи чамбар лента бантига “Ўзбекистон” деб ёзилган.

Суҳбатимиз ибтидосида сўз юритилган, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи томонидан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган Давлат мадҳиясига қайтиб, ўқувчиларимизга шуни эслатиб қўйшни истардикки, унинг сўзларини атоқли халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, мусиқасини эса — Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхонов ёзишган.

Мадҳия матнида Ўзбекистоннинг ажойиб табиати, унинг ёрқин куёши, тиллага тенг водийлари, шу ажойиб заминда яшовчи инсонларнинг бахт-иқболи, ишонч-эътиқоди, дўстлиги ва меҳр-муҳаббати ифодаланган. Аслида ҳам бу Ўзбекистон халқи, унинг осойишталиги, мустақиллик учун кураши ва Ватанга муҳаббати ҳақидаги кўшиқдир. Мадҳиянинг мусиқаси ўз тантанавор оҳанглари билан одамларнинг байрамона кайфиятини, улар мушарраф бўлган озод ҳаёт муҳитини ифодалаб, руҳни кўтаради, жасорат кўрсатишга, янгиланишга чорлайди.

Давлат рамзлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, бу рамзлар муқаддас ҳисобланиши, уларни бирор кўринишда оёқости қилиш қонун билан жазоланишини таъкидлаш мумкин эмас.

Рамзлар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ва суверенитетини ифодалайди. Уларга хурматсизликни намойиш қилиш, менсимасдан муносабатда бўлиш жамиятда умумий қабул қилинган хатти-ҳаракат қондаларига ҳам, халқаро меъёрларга ҳам мос тушмайди.

Ватанимиз рамзлари ҳозирги кунларимиз руҳига мутаносиб равишда, давр юкини ўзларида ифодалайдилар. Бизлар — мустақил Ўзбекистон фуқаролари ҳам шу руҳга мутаносиб бўлмоғимиз даркор.

Tabassum + TV

HAFTALIK DASTURLAR

Посинга gazetasining ilovasi



Тасаввур қилинг, борлиқ узра эшилиб, тўлғаниб най садоси таралмоқда. Куй шундай сеҳрлики, қалб торларини чертиб-чертиб, сержилва оҳанглари тингловчининг юрагини ўртаб борапти.
"Tabassum"нинг бугунги меҳмони ана шундай оҳангдор соз сирларини мукамал эгаллаб олган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғулари ижрочилик кафедрасининг профессори Мирза Тоиров.

мик халқ чолғулари оркестрида най чалган киши меҳнатига яраша тақдирланиши ҳам лозим-да! Мен ўз вақтида Москвада ва Ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва

гирдларим республика ва халқаро кўрик-танловларда совринларни қўлга киритишган. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастаси найчиси Аб-

бердим. Шунда ўтирганлар созни бирма-бир қўлларига олиб кўриб, унинг табиий эканлиги, такомиллаштирилмаганига ишонч ҳосил қилишди ва миллий мусиқа асбобимизга тан бердилар.

— Ўзингиз ҳам бирон янги куй яратганмисиз?

— Албатта. Бир кун таниқли найчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Муҳамедов ижросидаги "Бир келсин" куйини тинглаб ўтириб, хаёлимга бир фикр келди. Худди шунга ўхшаш жозибали куй яратиш кўрсам-чи. Дилимда уйғонган ана шу истак, орзу таъсирида анча кунлар ўй суриб юрдим. Ниҳоят, "Бир келсин"га ўхшаш, аммо ўзига хос, аввал мунгли бошланиб, кейин ялла каби шўх давом этувчи, охирида ўйчан тугалландиган янги куй дунёга келди. Тингловчини гўзаллик, нафислик сари етакловчи бу асарни "Назокат" деб номладим.

— Чалаётган найингизни сотиб олганмисиз ёки биронта уста ясаб берганми?

— Уни Ўзбекистон халқ артисти, созанда Наби Халиловга ясаганман. У киши қўли гул усталардан. Шогирдим Абдурахмон Бобожонов ҳам бу созни қисмига етказиб тайёрлайди. Бир-икки марта ўзим ҳаракат қилиб кўрдим. Баъзилари маъқул бўлди ҳам. Лекин таралаётган оҳанглардан кўнглим тўлмади.

— Мирза ака, суҳбатимиз сўнгиди дилингиздаги истаклар билан ўртоқлашсангиз.

— Шоирнинг "Қани, най бер менга, дўстгана, тўкай, тўлиб кетган кўнглимни" деган мисралари ушбу миллий созимизга берилган муносиб баҳодир. Кўнгли кўнглидан сув ичади, дейишади. Шундай экан, ҳамюртларимиз най оҳангларидан кўпроқ баҳраманд бўлиб боришларини истардим. Афсуски, пуфлаб чалинадиган соз ижрочилари, бу борада яратилаётган куйлар деярли тарғибот қилинмайди. Шунга қарамай даврада найчи иштирок этаётган бўлса, унга мурожаат этишларига ишончим комил.

Суҳбатдош
Соддулло ШОДИЕВ.

Мафтункорсан, фусункорсан, НАЙ НАВОСИ



— Мирза ака, аввало, найнинг ҳаётимизда туганган ўрни ҳақида гапирсангиз.

— Узоққа бормайлик, биргина "Чўли ироқ"ни тинглаган киши бу сознинг куч-қудратига тан бермай иложи йўқ. Ундан таралаётган оҳанглар орқали нафислик, поклик, муҳаббат, садоқат, борингки, жами инсонга хос туйғулар инади юракларга. Ва ўз навбатида кишини эзгулик сари етаклайди. Менимча, бу катта гап.

— Шундай ажойиб соз билан қай тарихқа ошно бўлиб қолгансиз?

— Болалигимда радио орқали бериладиган куйлар орасида айниқса найдан таралаётган овоз жуда маъқул тушарди. Қани энди мен ҳам шу созни чалсам, деб кўп орзу қилганман. Бир кун маҳалламизда яшайдиган Нигмат исмли тенгқурим: "Уйимизда фронтга кетган акамнинг найи бор, коптокка алмашмаймизми", деб қолди. Учта копток эвазига найлик бўлиб қолдим. Шундан бери бу соз яқин ҳамроҳим. Унда дастлаб Восиқ Халилов раҳбарлик қилган тўғарақда "Айладинг", "Ўлмасин",

"Дилхирож", "Тановар" каби куйларни ўрганганман. Кейин Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирдим. Менда найга бўлган қизиқиш, оҳангларига меҳр-муҳаббат тобора ортиб борарди. Ана шу иштиёқ кейинчалик Тошкент Давлат консерваториясига етаклаб келди. Мазкур илм даргоҳида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Ашот Петросянц каби тажрибали устозлардан санъат сирларини ўргандим. 1957 йилда эса най синфи бўйича ўқитувчи сифатида консерваторияга ишга тақлиф этишди. Шундан бери ёшларга сабоқ бериб келаяпман.

— Карнай, сурнай, қўшнай... Ушбу созларнинг найга боғлиқ томонлари борми?

— Булар пуфлаб чалинган учун негизи битта. "Най садоси — юрак садоси" деган ибора бежиз айтилмаган. Ижрочи ўзи чалаётган куйни ички туйғу билан ҳис қилиб, ҳаво тўлқинини юбориши керак. Агар у куйни

мукамал ўзлаштирмаган бўлса, меъёрига етказиб чиқариши қийин. Худди ёзувдаги тиниш белгилари каби куй оҳангларини тўғри топа билиши зарур. Шундагина у тингловчига маъноли етиб боради. Бундай талаб карнай, сурнай, қўшнайларга ҳам тааллуқли.

— Сизни яқиндан билган инсонлар, шогирдларингиз ярим ҳазил, ярим чин: "Мирза аканинг хонадонидида бир жомадон бойлик — мукофоту совғалар бор" дейишади. Агар мумкин бўлса, шу ҳақда гапирсангиз.

— Мумкин, нега мумкин бўлмасин. Мақтанишга йўймангу, мусиқа билим юртида, кейин консерваторияда таълим олган ва деярли 50 йилдан буён мазкур даргоҳда ишлаётган, шу билан бирга 54 йилдан ортиқ Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбек Давлат акаде-

санъати декадаларида иштирок этдим. Халқаро мусиқа фестивали, 6-Жаҳон ёшлари фестивали, Бутуниттифоқ ёшлар ва талабалар фестивалида совринларни қўлга киритганман. Ўзбек мусиқасини нафақат юртимиз, балки Германия, Венгрия, Хитой, Ливан, Суррия, Афғонистон каби хорижий мамлакатларда тарғиб қилинишига ўз ҳиссамни қўшдим. Мутахассис сифатида уч йил Мўғулистонда ишлаб, пуфлаб чалинадиган халқ чолғу асбоблари бўйича малакали шогирдлар етиштирдим. Ана шу саъй-ҳаракатларим турли даражадаги дипломлар, Фахрий ёрлиқлар, нишонлар, эсдалик совғалари билан тақдирланган.

— Айтишларича, талайгина издошларингиз, ҳатто "невара" шогирдларингиз бор экан...

— Тўғри. Ҳозирда юздан ортиқ шогирдларим фаолият кўрсатаёпти. Мен республикамиздан ташқари Тожикистон, Қозғистон, Озарбайжон, Вьетнам каби мамлакатларга малакали мутахассислар етиштириб берганман. Издошларим орасида Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хизмат кўрсатган ўқитувчилар борлигидан фахрланаман. Ўнлаб шо-

дулаҳат Абдурашидов "невара" шогирдим ҳисобланади. У Фарғона мусиқа билим юртида шогирдим Маҳаммаджон Олимовдан най сирларини ўрганди. Кейин эса Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кириб, менинг қўлимда ўқиди. Бугунги кунда у иқтидорли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти. Пойтахтимиздаги Глиэр номли мусиқа билим юртида таҳсил олган талайгина ёшлар ҳам "невара" шогирдларим.

— Ҳаётингизда рўй берган, най билан боғлиқ бирор воқеани эслай оласизми?

— 1957 йили Москвага, 6-Жаҳон ёшлари фестивалига борганим ёдимда. Ушбу анжуманда "Субҳидам", "Чўли ироқ" халқ куйлари, шунингдек, Мусоргскийнинг "Хованчина" асарида "Форс аёллари рақси", Люлининг "Говот" асарини ижро этдим. Саҳнадан тушганимда мени ҳайъат аъзолари йўқлашаётганини айтиб қолишди. Бордим. "Бу соз такомиллашганми ёки табиийми? Ярим пардаларни қай йўсинда чиқараёпсиз? — кетма-кет савол бера бошлашди улар. — Европа куйлари фақат флейтада ижро этилади-ку".

Мен ярим пардаларни қандай чиқараётганимни кўрсатиб, найни чалиб

← Постига → газетаси
хизматларига, кўп сонли
мухлисларига, шубҳасизлар
тилайман. (Тўғри)

ДУШАНБА, 9

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»... 8.45, 17.55 ТВ-маркет. 8.50 «Баҳор васфи». Мусикий дастури...

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «2001 йил - Аналар ва болалар йили»...

19.00 «Шаддодлар ва гузаллар». Телесериал. 19.25 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий кўрсатув...

«Морт ва Фил». 8.55, 22.35 «Голова на плечах» ёшлар дастури...


СЕШАНБА, 10

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи...

18.55 «Эхтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

13.30 Кундузги экран. «Аёл калби нимани истайди». К. Новикова ва Е. Яковлева билан ток-шоу...


10.45 Теледукон. 11.05 Л. Мендес «Софиянинг уч хаёти» телесериалида...




Соат 19.00гача профилактика. 19.00, 20.55, 1.05 «Воқеалар»...




3.00, 11.30 «Булут билан бир йўлда», «Фил учун совға» мультфильмлари...




Соат 18.00гача профилактика. 18.00 REN TVда «Fox Kids»...




7.00 Мультфильмлар дастури. «Уч унлик асрада», «Телефон»...



8.00, 18.00 REN TVда «Fox Kids»: «Икс-мен» мультсериали...



3.00, 11.30 «Ҳирланган қувш», «Янги йилда ким келди?» мультфильмлари...



7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 20.55, 1.05 «Воқеалар»...

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Мисли гаҳлар»...

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб». 6.20, 7.40 Узатма вал. 6.25, 7.20, 16.45 «Нафи тегади»...

10.40, 20.50 Кўрсатувлар дастури.

ЖУМА, 13

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 Мультифильм. 18.15 2001 йил - Аналар ва болалар йили...

18.55 «Эхтиром ила». 19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»... 21.00 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

10.30 «Санта-Барбара» телесериали. 11.30 «Селеста» телесериали. 12.30 Кундузги экран. «Янги Эски хонадон».

«Улкан прессинг» 2-фильм. «Хали ҳаммаси йўқотилганича йўқ».

ШАНБА, 14

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 Мультифильм. 18.15 2001 йил - Аналар ва болалар йили...

21.05 «Интер-спорт». 21.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 21.40 «Дарвоқе...» Ҳажвий курсатуви.

19.50 «Формула-1» классида автогонда бўйича Жаҳон чемпионати. Сан Марино Гран-при.

20.15 «Инна Малая куйлайди» 1-курсатув. 20.55, 6.15 Сафархалтасис сафар.

Энига: 9. Баҳор байраги. 10. Лақма. 11. ... Носир. 12. Футбол ватани. 13. Баҳорги ёгин. 14. Муслмонликда бўлинишлик. 15. Кўзойнакли илон. 20. Уй, бино. 21. Машҳур хинд шахматчиси. 22. Юнгли шолча, палос. 23. Мауглининг аждоди. 24. Баҳор ойининг бошқача атамаси. 27. "Али-бобо ва 40 қароқчи" фильмида Абу Ҳасан ролини ижро этган артист исми. 29. Баҳор куши. 31. Насриддин... 33. Қадимий транспорт. 34. Тиш қоқлами. 35. Баҳор таоми. 40. Чилонзор туманидаги маҳалла, мавзе. 41. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 42. Насронийлар сиғинадиган авлиёлар сурати. 43. Арабистондаги тоғ. 44. Қуръони Каримдаги суралардан бири. 47. Хушбўй ёввойи ўсимлик. 49. Россия президенти. 51. Шоир, Ўзбекистон қаҳрамони. 53. Актриса.... Жалилова. 54. Кавказдаги курорт шаҳар. 55. Қимматбаҳо қоғоз. 60. Европадаги давлат. 61. Татаристон пойтахти. 62. Разведкачи Штирлицнинг "тахаллуси". 63. Қуръони Каримдаги суралардан бири. 64. Қоқ ўртаси. 67. Алвон. 69. Ёзма шикоят. 71. Йиртқич қуш. 73. Қизлар исми. 74. Муқаддас китоб (Исо пайғамбарга тушган). 75. Ташландиқ сув оқадиган ариқ. 76. Тошкентда ҳайкаллари ўрнатилган Ҳиндистон бош вазири исми. 77. Ўзбек эстрада хонандаси. 78. Америкадаги ҳиндулар қабиласи. 79. Россия футбол клуби.

Бўйига: 1. Айём. 2. Қучли, ботир. 3. Қуръондаги суралардан бири. 4. Арабистон пойтахти. 5. Қуръони Каримнинг яна бошқача номи. (23 йил давомида бўлак-бўлак бўлиб нозил бўлганлиги учун шундай аталади). 6. Улкан бино. 7. Муқаддас китоб (Мусо пайғамбарга тушган). 8. Албания пойтахти. 16. Қовурилган жўжа ошхонаси. 17. Автопойга. 18. Севимли чой. 19. Сибирни забт этган исёнкор. 25. Майсазор. 26. Немис пул бирлиги. 27. Нордон тоғ ўсимлиги. 28. Ислом фарзларидан бири. 29. Айёр жонивор. 30. Байрамолди кун. 31. Ёллон, реклама. 32. Фожияли ҳалок бўлган Англия маликаси. 36. Радиотўлқинлардан бири. 37. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 38. Португалия футбол клуби. 39. Алишер Навоийнинг форсча тахаллуси. 45. Спортчи. 46. Ҳуқуқ вазири. 47. Барг. 48. Франция ЖЧ энг яхши футболчиси. 49. Россия эстрада артисти Эдита.... 50. Қорақалпоғистон пойтахти. 51. Ўқимишли аёл. 52. Сўз туркуми. 56. "Москвич 2141" нинг "экспорт" номи. 57. Россияда ижод этаётган ўзбек эстрада артисти. 58. Сўз туркуми. 59. Халқ, омма. 65. Коньяк маркаси. 66. Ўзбек видеофильми. 67. Исломдаги энг муқаддас китоб. 68. Дорбоз куроли. 69. Спорт анжомлари фирмаси. 70. Ўзбек кураши полвонининг исми. 71. Дарахт суюқлигидан ва сунъий олинадиган юмшоқ материал. 72. Россиядаги шаҳар.

Тузувчи Нилуфар УСМОНОВА.

	1		2		3		4		5		6		7		8	
9					10				11				12			
			13				14				15					
		16				17					18				19	
20					21				22				23			
24	25			26	27		28	29			30	31				32
			33				34				35					
		36				37				38				39		
40					41			42					43			
44	45			46	47		48	49			50	51				52
			53				54				55					
			56			57				58				59		
60					61			62					63			
64	65			66	67		68	69			70	71				72
			73				74				75					
76					77			78					79			

MUNAJJIMLAR BASHORATI

kelgusi hafta uchun

- ҚҮЙ (21 март - 20 апрель)**
Бажараётган ишингиз билан боғлиқ талайгина масалаларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Шахсий ҳаётингизда ўчмас из қолдирувчи ажойиб учрашувлар ва танишувлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Эҳтиёт бўлишни унутманг. Акс ҳолда алданиб қолишингиз мумкин. Чоршанба ва шанба — омадли кунлардир.
- СИГИР (21 апрель - 21 май)**
Ҳафта давомида вазиятни таҳлил этиб, мукаммал қарорлар қабул қиласиз. Раҳбарлар муҳим топшириқ бериши эҳтимоли бор. Тижорат билан шугулланаётганлар қулай буюртма олишади. Аммо кутилган натижага эришиш учун баракали меҳнат қилишингизга тўғри келади. Акс ҳолда йўлингизда кутилмаган ғовлар пайдо бўлиши мумкин. Сешанба — энг қувончли кун.
- ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)**
Тижорат билан шугулланаётган Эгизакларнинг иши унчалик юришмайди. Шерикларингиз билан алоқалар мураккаблашади, эришилган натижалар эса қониқтирмайди. Раҳбарларнинг бошқа тузукроқ ишга ўтказиш ёки маошнинг ошириш тўғрисида берган ваздаларига ишонманг. Келишмовчилик келиб чиқмаслиги учун эҳтиросларингизни жийовлашни маслаҳат берамиз. Душанба ва чоршанба сизнинг кунларингиздир.
- ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль)**
Ушбу ҳафта ҳамкасбларингиз билан муносабатларни яхшилаш учун қулайдир. Аммо ўз олдингизга катта вазифалар қўймаганингиз маъқул. Зеро, ишингиз юришмаслиги ёки алданиб қолишингиз мумкин. Эски қадрдонингиз билан кутилмаган учрашув бўлиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Чоршанба ва пайшанба — муваффақиятли кунлар.
- АРСЛОН (24 июль - 23 август)**
Сизнинг ташкилотчилик қобилиятингиз ва вақтдан унумли фойдалана олишингиз бажараётган ишингизда ўз ифодасини топади. Тижорат билан боғлиқ операцияларда муваффақият қозонасиз, севган кишингиз тақдим этган кутилмаган совғалар кўнглингизни тоғдек кўтаради. Ушбу ҳафтанинг барча кунлари муваффақиятли кечади.
- БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)**
Мазкур етти кунликда ҳаётингизда катта ўзгаришлар юз беради. Хизматдаги лавозимингиз ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга эришиш шахсий ўрнак кўрсатиб, тиришқоқлик билан ҳаракат қилишингизга ҳам боғлиқ. Молиявий томондан барча лойиҳаларингиз омад келтиради. Ўзингизга ишончли шерик топишга муваффақ бўласиз. Фарахбахш кунлар — душанба ва чоршанба.

- ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)**
Ушбу ҳафта ижодий маҳоратингизни намойиш этиш учун қулай. Ишбилармонлик учрашувларида иштирок этиб, тажриба алмашинг. Булар келажақда ютуқлар келтирувчи омиллалардир. Фарзандларингиз эришган муваффақиятдан кўнглингиз кўтарилади. Муҳаббат бобида севган кишингиз учун нимадир қилиш, айтайлик совға бериб табриклашни тавсия этамиз.
- ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)**
Раҳбарлар билан муомалада эҳтиёт бўлинг. Зеро, иш жойингиздаги барча ҳолатлар сизга қарши қаратилган. Бошлиққа бўйсунганини истамаётганингиз мавқеингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ҳозирча ҳеч қандай юмушни бажармай турганингиз маъқул. Шанба — омадли кун.
- ЁЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)**
Мазкур ҳафта амалий лойиҳалар билан боғлиқ масалалар ечимида қўл келади. Шу сабабли ўзингизни қўлга олиб, ниҳоятда масъулият билан иш кўринг. Шахсий ҳаётингизда ўтмишда йўл қўйган хатолар ва келгуси режалар хусусида ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз. Асосий вақтингизни севган кишингизга бағишлаганингиз маъқул. Жума ва шанба омадли кунлардир.
- ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)**
Келгуси ҳафтада ишхонангиздаги вазифаларни имкони борича қисқартиринг. Фақат раҳбарлар билан муносабатингиз бузилмасин. Акс ҳолда бу янги жой олиш ёки ишга кириш билан боғлиқ режаларингизни барбод қилиши мумкин. Имкони бўлса йирик операцияларни кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Пайшанба ва жума — омадли кунлар.
- ҚОВҒА (21 январь - 19 февраль)**
Ҳамкасбларингиз билан музокара юритаётганда ишбилармонлик ва дипломатингизни кўрсатишингизга тўғри келади. Булажак учрашувларга жиддий муносабатда бўлинг. Зеро, тузиладиган шартномалар қай даражада фойда келтириши улар қандай яқинланишига боғлиқ. Муҳаббат бобида ҳаяжонли дамларни бошингиздан кечирасиз. Муваффақият келтирувчи кунлар — чоршанба ва пайшанба.
- БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)**
Амалий режалар кўнглидагидек амалга ошириш учун маблаг излаб топишни маслаҳат берамиз. Ҳамкасбларингизга жиддий эътибор бериб, маслаҳатларингизни дариг тугманг. Шахсий ҳаётда хушёр бўлинг. Бинобарин, ҳис-туйғулар гирдобига тушиб, ишқий саргузаштларни бошингиздан кечирингиз ҳеч гап эмас.



Газетамизнинг ўтган сонидан чоп этилган:

ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ: (6-бет):

- "Тойота". 2. Тангенс. 3. Техника. 4. Туррик. 5. Тувалок. 6. Тасбеҳ. 7. Турғай. 8. Тагдўзи. 9. "Тановар". 10. Тарлон. 11. Тинтув. 12. Тазкира. 13. Трасса. 14. Тижорат. 15. Турдиев. 16. Тупроқ.

КРИПТОГРАММА

Оқич сўзлар: 1. "Гирдоб". 2. Аскар. 3. Лимон. 4. Уш. 5. Вақт.

Ҳикоят: *Одамлар ўрганган, одатланган ва билган нарсасига қаринлик кўрсатма.*

"Қувноқ тест"

саволларининг тўғри жавоблари:

- Қуён. 2. "Кийинтираман". 3. Чилла. 4. Чипта. 5. Зил. 6. Лимон. 7. Бўйдоқ. 8. Об-ҳаво. 9. "Сўнги кўнгирик". 10. Қизил қарточка. 11. Лампани ишқалайди. 12. Жумавой. 13. Узук.

